



**“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ  
БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ МЕТОДОЛОГИЯСИ БОШҚАРМАСИДА  
РҮЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ**

**2020 йил 25 февраль  
550-сон**

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари  
умумий йиғилиши тұғрисида низом”ни тасдиқлаш ҳақида**

**ҚАРОРИ**



## **“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ҚАРОРИ**

### **““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилиши түғрисида низом”ни янги таҳрирда тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2000 йил 22 февралдаги 3/б-сон қарори (2000 йил 5 апрель, рўйхат рақами 916) билан тасдиқланган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъерий хужжатларига қўйиладиган талаблар түғрисида низом”га мувофиқ “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилиши қарор қиласди:

1. “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилиши түғрисида низом янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб хисоблансан:
  - а) “Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки акциядорлари умумий йигилишининг 2014 йил 19 июндаги 37-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки акциядорлари умумий йигилиши түғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори (2014 йил 31 июль, рўйхат рақами 298);
  - б) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилишининг 2015 йил 3 июндаги 39-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки акциядорлари умумий йигилиши түғрисида низом”га ўзгартириш киритиш ҳақида” қарори (2015 йил 8 июль, рўйхат рақами 298-1);
  - в) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилишининг 2016 йил 10 июндаги 42-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилиши түғрисида низом”га ўзгартиришлар киритиш ҳақида” қарори (2016 йил 14 июнь, рўйхат рақами 298-2);
  - г) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилишининг 2017 йил 30 августдаги 44-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилиши түғрисида низом”га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида” қарори (2017 йил 31 август, рўйхат рақами 298-3);
  - д) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилишининг 2018 йил 7 июндаги 46-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йигилиши түғрисида низом”га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида” қарори (2018 йил 12 июнь, рўйхат рақами 298-4).
3. Мазкур қарор Банк ички норматив ҳужжатлари реестрида рўйхатдан ўтказилган куннинг эртасидан бошлаб кучга киради.

**Акциядорлар умумий йигилиши раиси**

**Т.Шарипов**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 24 февраль,  
50-сон.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
2020 йил 24 февралдаги 50-сон қарорига  
ИЛОВА

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
акциядорлари умумий йиғилиши тұғрисида низом  
(янги таҳрири)**

*Мазкур Низомга қуидагиларга мувофиқ құшымча ва ўзгартиришлар киритилган:  
Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2022 йил 20 майдаги 55-сон қарори билан  
тасдиқланған ва 604-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат;*

*Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан  
тасдиқланған ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив  
хужжат.*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тұғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида” қонунлари асосида ишлаб чықилди ва у “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки (кейинги ўринларда – Банк) акциядорлари умумий йиғилишининг мақоми, уни үтказиш ва унда қарорлар қабул қилиниши тартибини белгилайди.

**1-§. Умумий қоидалар**

1. Банк акциядорлари умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органи.

Банк ҳар йили Банк акциядорлари ҳисобот (йиллик) умумий йиғилишини үтказади.

2. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши Банк уставида белгиланған муддатда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичидә үтказилади.

3. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишидан бошқа үтказилған умумий йиғилишлар навбатдан ташқари умумий йиғилишлар ҳисобланади.

4. Банк акциядорлари умумий йиғилиши үтказиладиган сана, йиғилиш үтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш шакли, Банк акциядорлари умумий йиғилишини үтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган ахборот ва материаллар рўйхати Банкнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

**2-§. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатлари**

5. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатларига қуидагилар киради:

а) Банк уставига ўзгартириш ва қўшымчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Банкни қайта ташкил этиш;

в) Банкни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Банкнинг кузатув кенгаши ва Миноритар акциядорлар қўмитасининг сон

таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- д) эълон қилинган Банк акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) Банкнинг устав капиталини камайтириш;
- ё) Банкнинг устав капитали камайганда ёки Банк акцияларининг сони қисқарганда Банкнинг ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- ж) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- з) Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг (унинг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисида низомни тасдиқлаш;
- и) Банкнинг йиллик ҳисботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чикқан ҳолда Банкнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун аниқ муддатлари белгиланган узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;
- й) Банкнинг фойдаси ва зарарини тақсимлаш;
- к) Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ваколатларига кирадиган масалалар бўйича, шу жумладан банкни бошқаришга доир Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кузатув кенгашининг ҳисботини ва Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосасини эшлиш;
- л) Банкнинг кузатув кенгаши томонидан тайинланган Банк бошқаруви раисини тасдиқлаш;
- м) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунида назарда тутилган акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорларга имтиёзли хукуқни қўлламаслик ҳақида қарор қабул қилиш;
- н) Банк акциядорлари умуний йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- о) Банк акцияларини майдалаш ва йириклиштириш;
- п) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунида назарда тутилган ҳолларда Банкнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштирилиши билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;
- р) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунида назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш;
- с) мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини

белгилаш, ушбу ташкилот хизматига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

т) Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

**3-§. Акциядорнинг Банк акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи. Акциядорлар ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш**

6. Банк акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига ушбу умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Банк акциядорнинг талабига кўра унга Банк акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрига унинг киритилганлиги тўғрисида ахборотни тақдим этади.

7. Банк акциядорлари умумий йиғилишида Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, аудитор, Банкнинг кузатув кенгаши, Банк бошқаруви ва Банк тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда таклиф этилган бошқа шахслар қатнашиш ҳуқуқига эга.

8. Банк акциядорлари умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисида билдиришномада кўрсатилган жой ва вакт бўйича рўйхатдан ўтади.

9. Банк акциядорлари умумий йиғилишида қатнашиш учун келган акциядорлар – жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат, вакилга нисбатан эса яна нотариусда тасдиқланган ишончнома кўрсатилганда амалга оширилади.

10. Банк акциядори бўлган юридик шахс раҳбари Банк акциядорлари умумий йиғилишида ўз ваколатларини эгаллаб турган лавозимига тайинлаш тўғрисида ҳуқукий хужжат ва шахсини тасдиқловчи хужжат асосида амалга оширади.

11. Акциядорнинг вакили Банк акциядорлари умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган манзили, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан берилган ишончнома унинг раҳбари имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

12. Агар Банкнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, Банк акциядорлари умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра

умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

13. Банк акциядорлари реестрига мувофиқ қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати муқоваланган, тартиб раками қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Банкнинг асосий мухри босилган бўлиши керак.

14. Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекади ва Банк акциядорлари реестри маълумоти асосида аниқланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини олади.

15. Агар Банк акциядорлари умумий йиғилиши қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, бу ҳолда унга манфаати ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетенъ берилади, қайд этиш рўйхатида эса манфаати ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қарисига “\_\_\_” та овоз берувчи акциялар бўйича 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да берилган \_\_\_ -сон ишончнома бўйича” деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

#### **4-§. Банк акциядорлари йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**

16. Банк акциядорлари йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришни Банкнинг кузатув кенгаши амалга оширади ва у қуидагиларни белгилайди:

- а) Банк акциядорлари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, жой ва вақтни;
- б) Банк акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибини;
- в) Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш учун Банк акциядорлари реестри шакллантириладиган санани;
- г) Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар қилиш тартибини;
- д) Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим қилинадиган ахборот ва материаллар рўйхатини;
- е) овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни.

17. Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар мазкур йиғилиш ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона портали, Банкнинг расмий веб-сайти ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

18. Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш түғрисида хабарда күйидагилар кўрсатилади:

- а) Банкнинг номи, жойлашган ери (пошли манзили) ва электрон почта манзили;
- б) Банк акциядорлари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- в) Банк акциядорлари реестри шакллантириладиган сана;
- г) Банк акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар;
- д) Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

19. Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) күйидагилар киради:

- а) Банкнинг йиллик ҳисоботи;
- б) Банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хulosаси;
- в) Банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хulosаси;
- г) Банк кузатув кенгашининг Банк бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги түғрисида хulosаси;
- д) Банкнинг кузатув кенгashi ва Банк тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчисига) номзодлар түғрисида маълумотлар;
- е) Банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Банк уставининг янги таҳрири лойиҳаси;
- ё) Банк кузатув кенгашининг Банк акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича нуқтаи назари.

Банк акциядорлари умумий йиғилишида ҳисбот берувчи Банкнинг бошқарув ва назорат органларининг маъruzаси (ҳисботи) ёзма шаклда тақдим қилинади.

Банк кузатув кенгашининг корпоратив бошқарув нормаларига амал қилиниши бўйича йиллик ҳисботида Банк акциядорлари умумий йиғилиши, Банкнинг кузатув кенгashi ва Банк бошқаруви томонидан (ўз ваколатларига киритилган масалалар доирасида) қилинган ишлар түғрисида ахборот қайд этилади.

Банк бошқаруви раисининг Банкнинг ҳисбот йилидаги фаолияти якунлари түғрисида маъruzасида Банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ҳақида маълумот, шу жумладан активлар, депозитлар, аҳоли омонатлари, жами капитал ва соф фойда,

шунингдек келгуси даврда ривожлантириш йўналишлари акс эттирилади.

Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулосасида кўйидагилар кўрсатилади:

а) Банк ҳисботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларида акс эттирилган маълумотлар ишончлилигига берилган баҳо;

б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ахборот.

Банк акциядорлари умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборот (материаллар) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

20. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банк акциядорлари умумий йигилиши чақирилгунга қадар узоғи билан 20 кун ичида йигилиш кун тартиби масалаларига оид таклиф киритишга ҳақли ҳисобланади.

21. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банк акциядорлари умумий йигилиши чақирилишидан 10 кун олдин Банкнинг кузатув кенгаши аъзолигига, ушбу кенгашнинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда, номзодлар кўрсатишга ҳақли ҳисобланади (бундан Банк кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно).

Агар ушбу кўрсатилган номзодлар Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари этиб сайланган тақдирда, Банк акциядорлари умумий йигилиши баённомасида улар қайси акциядорнинг вакили эканлиги, шунингдек Банк кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

*(Банк акциядорлари умумий йигилишининг 2023 йил 19 майдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган ва 2023 йил 26 майда 635-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

22. Банк акциядорлари умумий йигилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) фамилияси, исми, отасининг исми (номи), уларга (унга) тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

23. Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчисига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, унга тегишли акциялар сони ва тури (агар номзод Банк акциядори бўлса),

шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), уларга тегишли акциялар сони ва тури кўрсатилади.

24. Банкнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқади ҳамда уларни Банк акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласди.

25. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала Банк акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчисига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилади, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

а) ушбу Низомнинг 20-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

б) акциядорлар (акциядор) Банкнинг ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган микдордаги овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлмаса;

в) агар ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

г) таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни талабларига мувофиқ бўлмаса.

26. Банк кузатув кенгашининг масалани Банк акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчисига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисида асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган қундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

#### **5-§. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**

27. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қуидаги ҳолларда Банк кузатув кенгашининг қарори бўйича ўтказилади:

а) Банк кузатув кенгашининг ўз ташаббусига асосида;

б) Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра;

в) ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби асосида.

28. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига биноан Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ушбу йиғилиши ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган қундан эътиборан

30 (үттиз) кундан кечиктирмай Банкнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

29. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар, уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, ифодаланган бўлиши лозим.

30. Банкнинг кузатув кенгаши Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чақириладиган Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг талқинига ўзгартириш киритишга ҳақли эмас.

31. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талаби акциядордан (акциядорлардан) чиқкан тақдирда, бу талабда ушбу йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) фамилияси, исми, отасининг исми (номи), унга тегишли акциялар сони ва тури кўрсатилган бўлиши лозим.

32. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб ушбу йиғилишни чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

33. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талабнома тақдим этган кундан бошлаб 10 (үн) кун ичida Банкнинг кузатув кенгаши Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки ушбу йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласди.

34. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

а) Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талабнома тақдим этган кунга Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлмаса;

б) кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам Банк акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

в) кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни талабларига мувофиқ бўлмаса.

35. Банк кузатув кенгашининг Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий

йиғилишини чақириш түғрисида қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳакида асослантирилган қарори ушбу йиғилиш чақирилишини талаб қылган шахсларга қарор қабул қилингандан пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

#### **6-§. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг кворуми**

36. Агар Банк акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Банк акциядорлари умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

37. Агар имтиёзли акциялар кун тартибининг фақат битта ёки бир нечта масаласи бўйича овоз берса, Банк акциядорлари умумий йиғилиши кворуми тақдим этилган оддий акциялар сонига қараб белгиланади, кўрсатилган масалалар бўйича овозларни санаш эса овоз берувчи оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

38. Агар Банк акциядорлари умумий йиғилиши бошланиши учун белгиланган вақтдан сўнг 60 минутдан ортиқ вақт давомида кворум тўпланмаса, Банк акциядорларининг такорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади.

39. Агар Банк акциядорларининг ўтказилмай қолган умумий йиғилиши ўрнига чақирилган такорий умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Банк акциядорларининг такорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

40. Кворум бўлмаганлиги сабабли Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, ушбу йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган Банк акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқига эга бўлган Банк акциядорлари реестрига мувофиқ аниқланади.

#### **7-§. Банк акциядорлари умумий йиғилишини олиб бориш тартиби**

41. Банк акциядорлари умумий йиғилишини олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, маъruzалар қанча вақт давом этиши ва танаффусларни, кун тартибига киритилган масалаларнинг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

42. Банкнинг кузатув кенгаши раиси Банк акциядорлари умумий йиғилишида раислик қиласи, у узрли сабабга кўра бўлмаган тақдирда, Банк акциядорлари умумий йиғилишида раисликни Банк кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

43. Банк акциядорлари умумий йиғилиши раиси Банк акциядорлари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси, президиуми ва котибини сайлашни таклиф этади.

44. Банк акциядорлари умумий йиғилиши раиси умумий йиғилишнинг боришига раҳбарлик килади, умумий йиғилишнинг саноқ комиссияси, президиуми ва котиби фаолиятини мувоғиқлаштиради, масалаларни мухокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг сўзлаш вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади, умумий йиғилишнинг аудио-видео ёзуви ва Интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат беради. Банк акциядорлари умумий йиғилиши давомида юзага келадиган жорий масалаларни у мазкур йиғилишда мухокама қилинаётган масала бўйича ҳар бир қатнашчи белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан иборат бош принципдан келиб чиқиб яккабошчилик билан ҳал этади.

45. Кун тартибидаги барча масала мухокама қилингандан кейин Банк акциядорлари умумий йиғилиши раиси Банк акциядорлари умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласди.

46. Банк акциядорлари умумий йиғилиши раиси Банк акциядорлари умумий йиғилишининг баённомаси имзолайди.

#### **8-§. Банк акциядорлари умумий йиғилишида овоз бериш ва овозларни санаб чиқиши**

47. Банк акциядорлари умумий йиғилишида овоз бериш “Банкнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Банк акциядорлари умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференцалоқа тарзида ўтказиш имонияти ва шароити яратилади.

Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда ўзларининг биргалиқдаги нуқтаи назарини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузишга ҳақли ҳисобланади.

Банк овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик қилувчи (ҳал қилувчи эгалик мақомига эга бўлган) акциядорнинг овоз бериш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланилган санкция туфайли тўхтатиб қўйилган бўлса, у Банк акциядорлари умумий йиғилишида овоз беришда қатнаша олмайди.

48. Овозга қўйилган масала бўйича Банк акциядорлари умумий йиғилишининг

қарори Банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади, бунда ушбу Низомнинг 5-бандини “а”, “б”, “в”, “д”, “к” ва “п” кичик бандларида қўрсатилган ҳамда йирик битим ва аффилланган шахс билан битим тузишга оид масалалар бўйича қарор, истисно тариқасида, Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

49. Овоз беришганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш варианларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича беришгани овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича беришгани овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур банднинг биринчи қисмida кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

Банк акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этувчи акционерга ўзи тўлдирилган бюллетенъ нусхасини олиш имкони берилади.

50. Овоз бериш якуnlари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якуnlари тўғрисида баённома тузади, баённома шу жумладан Банк акциядорлари умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисида маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

Овоз бериш якуnlари тўғрисида баённома Банк акциядорлари умумий йиғилиши баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

51. Овоз бериш якуnlари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек Банк акциядорлари умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якуnlари тўғрисида ҳисботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

#### **9-§. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг баённомаси**

52. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (үн) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам Банк акциядорлари умумий йиғилиши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

53. Банк акциядорлари умумий йиғилиши баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- а) Банк акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- б) Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- в) Банк акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- г) Банк акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартиби;
- д) Банк акциядорлари умумий йиғилишининг раиси, президиуми ва котиби.

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

#### **10-§. Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорларини бажариш**

54. Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган ва баённомада акс эттирилмаган бўлса, Банкнинг кузатув кенгаши амалга оширади.

55. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

**Бошқарув раиси**

**С.Нормухамедов**

*Бошқарув аъзолари билан келишиилди:*

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

Ф.Самарходжаев

Бошқарув раиси ўринбосари

К.Габбазов

Бошқарув раиси ўринбосари

З.Курганов

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи департаменти директори

М.Маисова

Стратегик ривожланиш департаменти директори

С.Урманова

Иқтисодий таҳлил ва статистика департаменти директори

М.Мухаммедярова

Юридик хизмат департаменти директори в.в.б.

М.Мамбетов